



ХАБАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 14 ноябрь № 46 (274) ●

Сотувда нархи эркин

Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак» деган эди. Бу фикрни бемалол матбуотга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Оммавий ахборот воситаларини бежиз тўртинчи ҳокимият демайдилар. Аммо матбуотнинг тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиши учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бу жамиятда демократик тамойилларнинг тезроқ барқарорлашувига, ҳар бир фуқаронинг маърифий-маънавий баркамоллигига боғлиқдир.

«Хабар» газетаси ташкил этилганига беш йилдан ошди. Шу давр мобайнида газета халқ ҳужалигининг муҳим тармоғи бўлган алоқа соҳасини, унинг ютуқ ва муаммоларини баҳоли қудрат ўз саҳифаларида ёритиб келмоқда. Газетанинг доимий муаллифлари, мухлис ва муштарийлари пайдо бўлди. Эсимда, агентликдаги (ушунда вазирлик эди — Ш. О.) меҳнат фахрийлари билан бўлган бир учрашувда алоқа соҳасида узоқ йиллар раҳбарлик вазифаларида самарали меҳнат қилган ҳурматли Ҳожия Маҳқамова шундай деган эди: «Биз фахрийлар энди кўпроқ уйдимиз, ташқи оламдаги паст-баланд гапларни, айниқса алоқа соҳасидаги янгиликлар, муаммоларни ўзимизнинг «Хабар» газетаси орқали билиб тураемиз».

Ушбу оқидийгина эътирофни жамоамизнинг камтарона меҳнатига берилган бир баҳо дейиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти синола-

ри тахририятимизда бир қатор мураккаб муаммоларни тугдирмоқда. Дуч келган иқтисодий қийинчиликларни асосан ўз кучимиз билан ҳал қилишга интилмоқдамиз. Шу боис етишмаётган маблағнинг асосий қисмини ўзимиз қоплашга эришяпмиз.

Қадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади деган гап бевосита матбуотга ҳам тааллуқлидир. Сир эмас, мадакалади, етук журналистлар етишмайди. Аравани тортишда асосий оғирлик ана уша санокли қаламкашлар зиммасига тушмоқда. Фикримча, журналист қадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта куриш лозим.

Ҳар қандай тахририятнинг асосий вазифаси, шубҳасиз, ўз нашрини сифатли, мазмунли ва мароқли чиқаришдан иборат. Бу асосий вазифани муваффақиятли уйдлаш фақат жамоанинг ўзигагина боғлиқ эмас, албатта. Ташки-

лот ва идоралар, уларнинг раҳбарлари матбуотнинг роли, аҳамиятини теран, тўғри ва ҳолис тушунишлари, журналистларга яқиндан ёрдам беришлари лозим. Қарс икки қўлдан қонунларда ҳам бу ҳолат бежиз ўз аксини топмаган. Афсуски, бу борада айрим ташкилот ва уларнинг раҳбарлари лоқайдлик қилмоқдалар. Улар негадир ўзлари ҳақида газетга ёзишларини исташмайди, «Қўйверинг, ҳали ёзишга арзирлик ишимиз йўқ!» дея сохта камтарлик қилишади. Рўй бераётган муҳим янгиликлар, ўтказилаётган анжуманлар ҳақида бир оғиз тахририятни оғоҳ қилиб

Маълумки, Агентлик Бош директори А.Х.Журабоевнинг (ушунда у киши Республика алоқа вазирининг муовини эдилар) шахсий ташаббуси билан газетамизда алоқачи мутахассисларга ёрдам тариқасида ўзбек ва рус тилларида, ойда бир марта «Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник связиста» илова саҳифалари чоп этилмоқда. Алоқа соҳасидаги махсус нашрларнинг тақчиллигини ҳисобга олганда, мазкур ташаббуснинг хайрли, фойдали иш бўлганлиги шубҳасиздир. Иловани мунтазам ва мазмунли чоп этишда биз алоқачи-мутахассислар, бу борада мута-

Шу кунларда тахририятимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган обуна мавсуми қизгин паллага кирди. Ўз ходими учун гамхўрлик қилиш, обуна масаласида унга молдий ёрдам кўрсатиш ҳар бир ташкилот раҳбарининг бурчидир.

Ўтган йилларнинг аччиқ тажрибаси шунга кўрсатдики, обунани шунчаки ҳужажўрсинга ўтказиш, яъни уч ой ёки олти ойга ёзилиш билан чекланиш натижасида ярим йилдан кейин газетанинг нуфузи кескин тушиб кетган, қайта обуна қилиш эса мушкул бўлган эди. Ана шу тажриба бизга сабоқ бўлиши, иложи борича биратўла тўлиқ — бир йиллик обунага эришилиши лозим.

Биз — «Хабар» газетасининг ходимлари ўзимизни фақат журналистлар деб эмас, айни чоғда алоқачилар деб ҳам ҳисоблаймиз. Асосий мақсадимиз — инсон манфаатлари йилини муваффақиятли яқунлаш ва «2010 йилгача Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш Миллий дастури»да белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш орқали республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдир. Яқин ниятимиз ҳамиша йўлдошимиз бўлсин.

Шодмон ОТАБЕК

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

қўймайдилар. Мабодо мухбир борса, унга чап бериб, оворай сарсон қилишдан ҳам тоймайдилар. Яна шундай тоифадаги алоқчилар жан борки, мабодо уларга бирон мавзуда мақола ёзиб беришни илтимос қилсангиз, «олдин раҳбаримдан руҳат сўраб кўрайчи» дея муждал жавоб беришади. Уларга матбуот ва сўз эркинлиги, бу ҳақдаги қонулар, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билишлари, умуман ҳуқуқий маданият ҳақида жон қўйибди гапирасиз. Барбир натижа бўлмайди...Беихтиёр халғаш ширнинг «Қачон халқ бўласан, эй сен оломон!» деган сатрлари келади.

садди бўлган илора ва ташкилотлар мадалига катта умид боғлагандик. Афсуски, ушбу ёрдам бўлмаётир. Асосий оғирлик санокли жонқуярлар ва тахририят ходимлари зиммасига тушмоқда.

Жойларда ислохотларнинг қандай амалга ошаётгани ва кундалик ҳаёт нафасини акс эттириш кўп жиҳатдан вилоятлардаги мухбирлар фаолиятига ҳам боғлиқдир. Мухбирларнинг малакаси, сий-ҳаракати эса ҳар хил. Сурхондарё, Жиззах, Андижон, Фаргона, Наманган, Сирдарё вилоятларидаги мухбирларни мустасно этганда, қолган вилоятлардаги хабарчиларимиз ишидан ҳозирча қаноат ҳосил қилиш қийин.

ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

- Матбуотда «Хоразм Маъмур Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Американинг таниқли жамоат арбоби Хиллари Клинтоннинг «Бир болага етти маҳалла ота-она» китобини инглиз тилидан таржима қилиб кўп нусхада нашр этди.
- Бишкекда Хитой, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари вакиллари учрашиб, Шарқий Осиёни Марказий Осиё орқали Европа билан боғловчи темир йўл лойиҳасини муҳокама қилишди.
- Қозғистон ҳукумати Алматидан янги пойтахт — Окмолага кўчиб ўтди. Президент Н. Назарбоевнинг янги қароргоҳи узра Қозғистон Республикасини байроғи кўтарилди. 1997 йил 10 декабрдан Окмола янги пойтахт сифатида расман эълон қилинади. Янги пойтахтга кўчиш билан боғлиқ тантаналар эса келгуси йилнинг июнь ойида ўтказилади.
- «Уолл-Стрит журнал» газетаси Америкада энг кўп ўқиладиган газета деб топилди. Бу газета 1 миллион 77 минг нусхада чоп этилади. Кейинги погоналарини «Ю-Эс-Эй тудей», «Нью-Йорк таймс» ва «Лос-Анжелес таймс» газеталари эгаллади.

● Хитой ва Португалия расмий доиралари вакиллари асосан Хитой миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Макао оролин Хитой тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ тadbирларни фаоллаштириш лозимлигини таъкидлашди. Ушбу масала билан шўгулланувчи Хитой-Португалия қўшма гуруҳининг навбатдаги йиғилишида биринчи навбатда Макаодаги давлат хизмати ва асосий қонунлари «маҳаллийлаштириш», шунингдек бу ерда хитой тилига расмий тил мақомини бериш лозимлиги таъкидланди. Маълумки, Португалия тасарруфидан бўлган Макао 1999 йили Хитойга қўшилиши керак. Пекиндаги расмий доираларнинг таъкидлашича, уша вақтдан бошлаб Макаога ҳам Сянганга берилгани каби «Алоҳида мухтор вилоят» мақоми берилади.

«Андижон почтаси» акционерлик жамиятининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Анжумани «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниясининг бош директори Р. Э. Зикиров олиб борди.

ТАЪСИС АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Кун тартибидеги масалалар бўйича «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори Р. Э. Зикиров ва Андижон вилоят почта алоқа корхонаси бошлиғи К. П. Пулатовлар мазъура қилишди. Музокараларда Андижон шаҳар почтамити бошлиғи Ю. Эгамбердиев ҳамда Пойтут алоқа боғламаси бошлиғи А. Хирмоновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Анжуманда жамиятининг Ни-

зом лойиҳаси асос сифатида ва Кузатов кенгаши, Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомлар, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниясининг

Ҳабибулло ЗАЙНОВИДИНОВ,
Андижон почтамакетининг
ҳисобчи тафтишчиси

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ИБРАТИ

Моддий бойлик маънавий-маърифий эҳтиёж ўринини боса олмайди. Маънавий томондан етук бўлмасдан туриб камолотга эришиб бўлмайди. Ана шу ҳақиқатни қалбдан ҳис эта олган Самарқанд вилояти, Пастдарғом туман почта алоқа боғламасининг юз кишилик меҳнат жамоаси бошқа матбуот нашрлари қатори ўзларининг сеvimли «Хабар» газетасига обуна бўлишди. Мазкур жамоанин Хасан Намозов, Марям Эсонова, Манзура Отаёрова, Рустам Аллаев, Гулсара Раҳмонова, Қизман Шодиева, Урол Раҳмонов каби алоқачи ходимлари «Хабар»нинг мухлиси сифатида бошқаларга ибрат кўрсатишди.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти

● Обуна — 98

АЗИЗ
МАЧТАРЧИЛАР!

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматқар фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:
Якка тартибдаги обуначилар учун:
1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 227
Ташкилот ва корхоналар учун:
1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 228

Республика миқёсидаги ягона алоқа музейи Хива шаҳрида жойлашган. Музей биносини 1912 йили Саид Исфандиёрхон Баходирхон курдирган.

Музейда «Ўзбекистонда радио ва телевидениенинг ривожланиши», «Ўзбекистонда почта алоқаси», «Телефон-телеграф алоқаси», «Ўзбекистон алоқачиларининг шон-шухрати», «Хоразм воҳасида алоқа хизматининг ривожланиши»

• Ранжнома МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

шароитларда ишлаганликларини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўзбекистон алоқачиларининг шон-шухрат залига қадам қўяр эканман, бутун умрини алоқа хизматиға бағишлаб, сочининг биронт қораси қолмаган, юзларидан нур ёғили турадиган

келиб туришган. Кейинги йилларда музей сайёҳларсиз, маблагсиз ва каровсиз қолган. Отабой Раҳимовнинг сўзига қараганда, 1996 йилдан буён музейга ҳеч қандай ёрдам берилган эмас. Почта боғламаси ҳисобидаги бир фаррошгина музей залларини супуриб-сидириб турар экан. Ҳозир музейга келувчилар асосан ишбилармонлар, тadbиркорлар, турли фирмаларнинг вакиллари ва тижоратчилар бўлиб, уларни музей экспонатлари-ю тақдир қизиқтирмас, балки ташқаридан салобатли кўринадиган, ниятда пишиқ ишланган бинони қўлга киритиш ниятида келишар экан. Бунинг устига, маҳаллий ҳокимият ҳам музейга эътибор бермай қўйганлигини ҳисобга олсак, бу кетишда музей экспонатлари ахлат уюмига, бино эса тижоратчининг мулкига айланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

«Бизга музей керакми?» дейувчилар ҳам топилми мумкин. Бир оғиз сўз билан музейни ҳам, ундаги экспонатлар-

динги авлоднинг алоқачилик касбига меҳри ва фидойилигидир. Афсуски, кўп ҳолларда бизга айнан шу нарса етишмаяпти. Қадриятларимиз, маънавиятимиз қайтадан тикланаётган бир вақтда халқимиз тарихининг ажралмас қисми бўлган алоқа музейини шу аҳволда ташлаб қўйиш ва ёки ундан воз кечиш инсофданмикин? Ўз даврида соҳа фидойилари бўлган, музейга суратлари қўйилган, бу кўнларни кўролмай ўтган ота-боболаримиз олдидаги бурчимиз қаёқда қолди?

Кўпгина корхона ва ташкилотлар қийинчиликларга қарамай ўз музейларини ташкил этмоқдалар. Алоқа соҳасида бунга мисол қилиб Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўтган йили очилган музейини кўрсатиш мумкин. Хивадаги алоқа музейи эса ачинарли аҳволда. Балки музейни Хивадан Тошкентга — Алоқа коллежи ёки Алоқа институтига кўчириш маъқулдир? Ана ўшанда ушбу музей ёшларнинг алоқачилик касби ҳақидаги тасавурларини бойитиш ва заҳматли касбга ота-бобо-

ҚУТЛОВ!

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Тоҳир Назирович Назаржонов 50 ёшга тўлди.



Тоҳир Назаржонов меҳнат фаолиятини 1964 йилдан бошлади. 1971 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирди. 1969-71 йилларда Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида мантўр, электромеханик, катта электромеханик вазифаларида хизмат қилди. Ўз малакасини доимий равишда оширганлиги, тиришқоқлиги, ишга ижодий ёндошганлиги туфайли муҳандис вазифасига ўтказилди.

1971-72 йилларда армия сафида хизмат қилди. Шундан сўнг 1976 йилгача шаҳарлараро телефон станциясида катта муҳандис бўлиб ишлади. 1976-79 йилларда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Назарот-тафтиш бошқармасида бошлик ўринбосари, бошлик, сўнгра капитал қурилиш Бош бошқармасининг бошлиги вазифаларида фаолият кўрсатди. 1979 йилдан 1984 йилгача Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасида бошлик бўлиб ишлади. 1984 йилда эса алоқа ходимлари касба уюшмасининг Тошкент вилоят кўмитасига раис этиб сайланди, 1987 йилдан 1988 йил июнь ойигача Тошкент вилоят партия кўмитасининг транспорт ва алоқа бўлимида йуриқчи вазифасида хизмат қилди, худди шу йили Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси этиб сайланди. Ҳозирга қадар Тоҳир Назаржонов ушбу масъулиятли вазифада хизмат қилиб келаётган.

Ишга ижодий ёндошиш; муаммоларни ҳал этишдаги тезкорлик; ташкилий ишлардаги қобилият; одамларнинг фикрини қадрлаш каби фазилатлари туфайли меҳнат жамоаларида, республика алоқачилари орасида Т. Назаржонов катта обрўга эга.

Янги иқтисодий муносабатлар шаклланаётган ҳозирги ўтиш даврида касба уюшмалари фаолиятини жонлантириш, аъзоларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Т. Назаржоновнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Биз республика алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси жамоаси Тоҳир Назировични 50 ёши билан чин дилдан қутлаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, касба уюшмаси фаолиятидаги ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси жамоаси



• Музейнинг ташқи кўриниши.

каби бўлимлари бор.

Яқинда ана шу музейда бўлдим. Почта алоқа боғламасининг бошлиғи Отабой Раҳимов, музейни ташкил этиш, ишга тушириш ишларида биринчи кундан оқ фаол қатнашган, кейинчалик музейнинг биринчи директори бўлган. Почтада оператор лавозимида ишлаётган Қадам Сафоевлар ҳамроҳлигида музей фаолияти билан яқиндан танишдим. Республика алоқа хизматининг ҳозир жуда ғайритабиий ва жуда оддий кўринувчи, аммо ўз даврида аъшигина хизмат қилган техника намуналари, телефон, телеграф аппаратлари, коммутаторлар, биринчи телевизорлар, почта тарозисидан тортиб почтачиларнинг кийимларигача яқин ўтмишимиздаги алоқа тарихидан шохидлик бериб турибди. Бу ерга қўйилган ҳар бир экспонатнинг ўз «таржimai холи», ўз тарихи бор. Уларга қараб туриб алоқачи отахон-онахонларимиз жуда қийин

ажойиб инсон Юсуф Хошимович Мухамедовнинг суратига кўзим тушди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача алоқа хизматиға содиқ қолган, турли вазифаларда ишлаб, юзлаб шогирдларга отадек меҳрибон бўлган, почта алоқасининг ривожига улкан ҳисса қўшган, шу мавзуда бир неча китоблар ҳам ёзган Юсуф Хошимович ўзига хос салобат билан бир нуқтага тикилганча ўйчан боқиб турибди. Қадам Сафоевнинг гапига қараганда, музейни ташкил этиш, экспонатларни қидириб топиш, залларни музейга мослаштириб таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида Юсуф Хошимовичнинг хизматлари ниятда катта бўлган.

Музейдан олган таассуротларимни биргина мақолада баён қилиш қийин, лекин асосий гапни айтмаслик мумкин эмас. Музей биноси ниятда зочор аҳволда. У қайта таъмирлаш ва қайта жиҳозлашга муҳтож. Музей очилган дастлабки йиллари Хива экскурсия бюроси билан шартнома тузилган ва сайёҳлар



• Музей экспонатларидан намуналар.

ни ҳам йўқ қилиб юбориш мумкин. Зеро, бу ерда қимматбаҳо буюмлар йўқ. Бу ерда факат бир нарсасига яқол сезилиб туради. У ҳам бўлса биздан ол-

лари каби садокатли бўлиш руҳида тарбиялашга ҳисса қўшадми деб ўйлаймиз.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,
Суратларни муаллиф олган

ТАХРИРИЯТДАН:

Мақолада кўтарилган мавзу газетхонларни лоқайд қолдирмас деган умиддамыз. Шу боис алоқачи фахрийлар, мутахассислар ва мутасаддилардан тақлиф ва мулоҳазаларини кутамиз.

«Сурхондарё телеком» шубба корхонасига қарали жамоаларда дебиторлик қарзларини камайтириш борасида қандай ишлар қилимоқда? Жамоатчи муҳбиримиз шу мавзуда корхона раҳбарининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари Г. О. НАЗАРОВА билан суҳбатлашди.

Гулнора Одинаева, шу йилнинг июнь ойида бўлган кенгайтирилган йиғилишда тармоқ бўйича дебиторлик қарзлари юқориликча қолаёт-

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ТАҚОЗОСИ

ганлиги қаттиқ танқид қилинган эди. Хўш, кейинги ойларда ишни ўнглаш учун қандай амалий тadbирлар йўлга қўйилди?

— Биласиз, ҳозир биз индонезиялик ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхона тузганмиз. Янги дастхўлар, замонавий рақамли АТС, АМТСлар урнатилди. Албатта, бу жуда катта маблағ эвазига амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг 5 март 1997 йилдаги 84-буйруғига асосан дебитор-кредитор қарзларини камайтириш бўйича комиссия тузилди. Комиссия аъзолари туманларда бўлиб, алоқачиларга яқиндан ёрдам беришди. Хизмат ҳақи тўланмаган, учириб қўйилган телефонларни қаттиқ назоратта олиш йўлга қўйилди. Барча туман ва шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда баъзи ишлар амалга оширилди. Шунга қарамастан Шурчи, Кумқурғон, Ангор туманларида дебиторлик қарзлар даражаси анча юқориликча қолмоқда.

Маблағ ундириш назорати таъсис этилди, иннинг нотуриги ташкиллаштирилганлиги ҳисобга олинди, Шурчи алоқа боғламаси бошлиғи Б. Жобиров, бош муҳандис К. Исмоилов вазифасидан бўшатилди. Термиз ша-

ҳар электралоқа боғламасида бош муҳандис бўлиб ишлаган еш мутахассис Усмон Ашуров Шурчидаги тармоққа раҳбар этиб қўйилгач, ҳисоб-китоб ишларида ва бошқа ишларда сезиларли узгаришларга эришилди.

— Бозор муносабатларига ўтиш даври билан боғлиқ бу молиявий масала Термиз шаҳрида янада чуқурлашиб бораётганлиги йиғилишда айтилган эди...

— Ҳақиқатан ҳам Термиз шаҳрида аҳвол жудамокда. Вилоят ҳужаликлари бизнинг корхонадан 31 миллион сўм қарздордир.

Умуман олганда, йўлга қўйилган амалий тadbирлар туфайли йилнинг биринчи ярми-

га қараганда бирмунча узгаришлар бўляпти. Лекин алоқа хизмати узлуқсиз давом этганлигини ҳисобга олсак, уни кескин камайитириш қийин. Ҳозир жамоамиздан 47 миллион сўм қарзи бор.

Маблағ айланиш мувозанати сақланмаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Алоқа хизматини жаҳон андозалари даражасига етказиш бобила ростакамига оқсаб қоляпмиз.

Н. ЗИЕВ суҳбатлашди

ЯЛБАРИКЛАЙМИЗ!

Республика ихтисослаштирилган алоқа корхонаси жамоаси Фарғона вилояти ихтисослаштирилган алоқа корхонаси бошлиғи Фаяс Исаевич ФАЙЗИЕВни туғилган кунини билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

Чортоқ тумани электралоқа корхонаси жамоаси техника хавфсизлиги бўлими муҳандиси Кўпайсин ЮСУПОВни алоқа соҳасида 40 йил хизмат қилганлиги ҳамда 60 ёшга тўлганлиги билан чин қалбдан табриклаб, узоқ умр, соғлиқ тилайди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги жамоаси Бухоро давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Хосият Ражабовна Жалиловага онаси

Тўхтажон аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси жамоаси Бухоро давлат почта алоқа корхонасининг бошлиғи Х. Жалиловага онаси Тўхтажон ая ЖАЛИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бошлиқ тушликдан ширин кекириб қайтаётганда икки ходими ўрнатаётган ёзувли тахтага кўзи тушди. «Хе, Давлат тили қонуни чиққанига олти йил бўлди. Мана биз ҳам ишни бошлаб юбордик, — дея ўйлади ичида ғурур билан. — Юрган эканмизда, «Доска почёта», деб. Ўзбекчасиям бор экан».

У ўтиб кета туриб тахтадаги ёзувга яна бир қараб қўйди: «Хурмат тахтаси». «Хўш, «Х»ларнинг думи бўлмасмикин? — деб хаёлидан ўтказди у тўхтаб. Яқинда «Ойнаи жаҳонда» бир атамашуноснинг «ёзувларни ўзбеклаштираётганлар имло хатоларга йўл қўймоқдалар», деган ўғитини эслади. Эслади-ю, ходимларига деди:

— Қани, туширинглр!
Ходимлар ўрнатиб бўлинган тахтани пастга туширишди ва бошликдан навбатдаги буйруқни кутишди.

— Яхши ёзилган, лекин «Х»ларнинг думи қўйилмабдику.

Ходимлардан бири дарҳол мўйкаламни бўёққа ботирди-да «Х»га дум қўймоқчи бўлди.

— Тўхтанг, аслида «хурмат» билан «тахта»да «Х»нинг думи бўладими?

Ходим елкасини қисиб, шеригига қаради, шериги қўлларини икки ёнига керди.

— Ҳа, билиб осий керак, — деди бошлиқ. Лекин ўзи ҳам бунни билмаслигидан пушаймон қилди. Шунинг учун ҳам ҳеч нарса демай хонасига шошилди.

Ярим соатлардан сўнг ходимлардан бири кимтинибгина хонага кирди.

— Ҳеч ким билмас экан, — деди у.

— Шунақами? Унда ҳаммани тўпланг.

Ташкилотнинг кичкинагина жамоаси хонага йиғилди. Бошлиқ гап бошлади.

— Ўртоқлар, секин-аста Давлат тилини қарор топтираёلمиз. Буни «Доска почёта» тахтасини ўзбекчага ағдариш билан бошладик. Лекин бундай азгу ишлар тўлақонли бўлиши керак. Биласизлар, халқимизда, маслаҳатли тўй тарқамас, деган ажойиб мақол бор. Хуллас, ўзбекча ёзувларни тўғри ёзишга урганайлик. Хўш, Қаландаров, билишимча сиз кўп китоб ўқийсиз. Уша тахтадаги «Х»ларнинг думлари бор-йўқлиги ҳақида фикрингиз қандай?

— Билмадим. Мен фақат деектив ўқийман...

— Яхшимас, — деди бошлиқ астойдил хафа бўлиб. — Ҳисобчимиз Жамғаров нима дер экан?

— Аниқ билмадим, лекин менингча, — деди ҳисобчи кўз ойнагини тақар экан, — тахта каттик нарса, демак дум қўйма-са бўлаверади. Хурмат эса юмшоқ сўз, ундаги «Х»га дум қўйиш керак.

— Фикрингиз яхши, лекин аниқ биласизми?

— Йўқ, — деди Жамғаров.

— Менда бир таклиф бор, — деди ходим Сафаров. — Мана бу рўзномаларни бир титиб чиқсак-чи.

— Хе, бормисиз, — деб юборишди ходимлар бараварига катта ташвишдан холи бўлгандай.

— Ҳа, яхши. Ўзингиз бир қараб чиқинг, — деди бошлиқ ва

ичида «нодон, мен аллақачон қараб бўлганман» деб кўйди. Сафаров рўзномаларни бирма-бир варақлаб, ҳижжалаб ўқишга тушди. Ходимларнинг нигоҳи ҳозир бир мўъжиза рўй берадигандай унга қадалганди. Рўзномаларни кўриб бўлган Сафаровнинг тиришган пешонаси бошка ходимларнинг ҳам ҳафсаласини пир қилди.

— Хе, журналистларга ҳам тан бермадим. Шунча рўзномада шу икки сўз бир марта ҳам ишлатилмапти-я.

— Редакцияга кўнғироқ қилсак-чи, — деди ходимлардан бири.

— Ақлингиз борми, ташкилотимизнинг шаъни нима бўлади?

— Адабиёт ўқитувчисидан сўраб кўрсак-чи?

— Ҳа, ўқитувчидан сўранг. Кейин у оламга ногора қилсин.

...Уч соат чўзилган «қисқалина» йиғилиш тугаб, ходимлар шалвираб тарқалишди. Улар ташқарига чиқишганда «Хурмат тахтаси» ёнида икки қизча ерга расм чизиб ўйнашарди. Бошлиқ тахтага қаради. Хурмат сўзидаги «Х»га кимдир дум чизиб қўйибди.

— Буни ким қилди?

Ходимлар ҳам ҳайрон бўлиб ёзувга қарашди.

— Билмадик. Ҳей қизлар, буни сизлар чиздингларми?

— Ҳа, биз, — деди бир қизча кўрка-писа.

— Сен буни қаердан биласан? — сўради бошлиқ.

— Мактабда ўрганганмиз.

— Тахтага қўймабсан-ку.

— Унда бўлмайти-да.

Бошлиқ ходимларга, ходимлар бир-бирига истехзоли қарашди.



иб мақол бор. Хуллас, ўзбекча ёзувларни тўғри ёзишга урганайлик. Хўш, Қаландаров, билишимча сиз кўп китоб ўқийсиз. Уша тахтадаги «Х»ларнинг думлари бор-йўқлиги ҳақида фикрингиз қандай?

лар турнирларга борадилар, назарияни урганайдилар, уста психматчиларнинг партиязларини таҳлил этадилар. Менимча, бунинг асосий сабаби — ушбу ўйиннинг улкан эстетик таъсир кучида бўлса керак.

М. ТАЛЬ, жаҳон чемпиони

Шахмат — шакл жиҳати

ШАХМАТ ҲАҚИДА

Шахмат ўйинига ургатиш мустақил фикрлаш лаёқатини тарбияладан иборат бўлмоғи лозим.

Шахмат тахтасида елғон ва мунофиқликка урин йўқ. Комбинацияларнинг гузаблиги шундаки, улар ҳаммаша ҳаққонийдир.

Э. ЛАСКЕР, жаҳон чемпиони

Шахмат — менинг учун бир оламдир. Турмуш ташвишларидан беркинадан уй, қургон эмас, айнан узгача бир оламдир. Мен тўлақонли ҳаёт кечирадиган, ўзимни намоён қиладиган оламдир.

Шахмат — энг аввало санъатдир. Бу ўйиннинг беҳад жозибадорлигини яна қандай изоҳлаш мумкин? Нега миллионлаб одамлар шахмат ўйнайдилар, минглаб одам-

дан ўйин, мазмунига қура — санъат, урганишнинг мушқуллиги жиҳатидан эса — фандир.

Т. ПЕТРОСЯН, жаҳон чемпиони

Бахтимизга, шахмат партиязлари заманида сир-асрорлар беҳисобидир. Шу туфайли ҳам биз узил-кесил уни фан, спорт ёки санъат дея олмаймиз.

Г. КАСПАРОВ, жаҳон чемпиони

• Бу — қизик

ТЕЛЕФОНДА ҚАҲҚАҲА

Голландияда, агар 211-811 рақамига телефон қилсангиз, ажойиб латифа эшитишингиз мумкин. Бунда сиз ҳар сафар янги латифа тинглайсиз.

Агар телефон қоққан одам ҳазилни тушунолмаса, гўшақда ўн минутча қаҳқаҳа янграйди.

МЎРИЛАР ПОЧТА ХИЗМАТИДА

Испанияда 150 дан ортиқ ер ости кентлари бўлиб, уларда ҳалигача одамлар истиқомат қилади. Турар жойлар кўринмайди. Фақат баланд мўрилар кўзга ташланади.

Мўриларга эски челақлар осилган бўлиб, челақка рақамлар ва кишиларнинг исми-шарифлари ёзилган. Хабарчи мўри ёнига келиб, хатини пастга ташлайди ва ҳасаси билан уриб, ўй эгасига мактуб келганини маълум қилади.

А.АЛИЕВ тайёрлаган

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҲРАБОВЕВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АХМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлбазмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўяхатга олиш №000011. Буюртма № 6-0778. 9148 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



• Муштарий ижодидан

БИЛАСАНГ

Озор этма вафодор мени қадримни билсанг,
Талпинаман сен томон юрак дардимни билсанг.
Тўйдим етар фироғинг ҳижронлардан сўйлама,
Висолингнинг кўйида тортган жабримни билсанг.
Ёгса ҳамки маломат ардоқладим вафони,
Сенсиз нетай мен ахир ёрим сабримни билсанг.
Гийёҳ унмас сахролар макон бўлмас булбулга,
Сен бўлмасанг вайрона жоним бағримни билсанг.
Фармон айла майлига синов бўлсин шартларинг,
Яқсон бўлгай рақиблар ишқий зарбимни билсанг.
Ишонмасанг севгимга тигни олиб кўлингга,
Пора, пора айлабон майли қалбимни билсанг.
Армон тутиб ёқамдан ўтсам Ақрам дунёдан,
Пойинг гардин сепиб кўй агар қабримни билсанг.

Ақрам ЮНУСОВ,
Фаргона

БУ — ЎЗБЕКДИР, ЎЗБЕКДИР

Кўкси тоғ, қалби дарё,
Аҳли саодатга ёр,
Танийди кўҳна дунё,
Бу — ўзбекдир, ўзбекдир.

Гар ери қилса бардош
Тош экиб кўқартай тош,
Кўлини ўп, эй кувёш
Бу — ўзбекдир, ўзбекдир.

Шу юрт ойдан-да маъсум,
Шу эл муслимдан муслим,
Яшинлар лол қолар «Ким?!»
Бу — ўзбекдир, ўзбекдир.

Салим ИСО,
Самарқанд

ДУШАНБА, 17

ТЕЛЕТОМОШБАИНИ ДИҚҚАТИГА!
Профессияла муносабати билан 17 ноябрь кунин УЗТВ-1 курсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача УЗТВ-1 канални орадан намойиш этилади.

- 17.55 Курساتувлар тартиби.
18.10 «Ҳайо» Мультфильми.
18.20 «Ғозалон билгимиз».
18.40 «Одам ва одам».
19.00 «Тилга эътибор».
19.25, 19.40, 20.25, 20.55, 22.05, 23.20 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталоқлари.

20.30 «Ахборот» (рус тилида).
21.00 «Тофокур ва тадбир».
21.20 Ёш хонадалар концерти.

21.50 «Амир Темир изидан». 8-кисм.
22.10 Диктат, премьер: В. Шекспир.
«Отелло». А. Хидоятчи номидан Узбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-кисм.

23.25 «Ахборот».
23.50 Футбол. Ўзбекистон кубогининг Ярим финали. «Пахтакор» — «Дустилик» (Тошкент вилояти). Ўзб олинган.
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

18.00 Курساتувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.

18.20 «Еригитош» Мультфильми.
18.35 «Табият дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Турани ҳақида».
20.20 «Муслик қиссалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оқшомлар ва эълонлар.

21.15 «Киноноҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Спарт китоби».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

23.50 — 24.00 Кундалик.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтаномаси».

8.30 «Шарқ тароналари». Яқиний курсатуве.
9.15 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатуве.

9.40 «Садри наъв». Мультфильм.
9.50 «Зиёрат».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

10.05 «Кел, дуст бўлайлик». И. Оқунбаева номидан Республика Ёш томошбинлар театрининг спектакли.
11.05 Дони Зокиров номидан халқ чолу оркестрининг концерти.

11.35 «Коморлик ришталари».
12.00 «Жаҳон киноси олуварлари».
12.20 — 14.00 «Вотанга қувша». Бадий фильм.

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Кичкина ва Комьшоша ҳақида». Мультфильм.

Россия жамаот телевидениеси.
18.20—21.35
21.35 «Кругозор». Тележурнал.

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Орингга бокс». Бадий фильм («Масфильм»).

24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиклар мактаби». Телевизион.

19.30 «Дидор».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Ҳайр баҳори».
20.35 «Актарба».
20.45 «Рокуз».
21.15 «Мархабо Осийл». Ўзбек-турк муносабатлари доир.

21.35 «Спарт китоби».
22.10 «Ғозалон ва мангулик ҳақида».
22.30 «Муслик қиссалари». Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари.
23.00—23.10 «Хайри тун».

СЕШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Ёш хонадалар концерти.

9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Одам ва одам».
9.40 «Солғом оғаб, солғом миллат».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

10.05 «Хукуйи жамият сари».
Ушб курсатувлар тартиби.
10.30 «Киноноҳ».
11.00 Ингиз тили.
11.30 «Товарий сонат».
12.00 «Рақс, рақс, рақс».

12.15 Футбол. Ўзбекистон кубогининг Ярим финали. «Пахтакор» (Наманган) — «Нефчи» (Фарғона). Ўзб олинган.
13.45 «Меҳр қаюри».
14.05 — 15.15 В. Шекспир. «Отелло». А. Хидоятчи номидан Узбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-кисм.

17.55 Курساتувлар тартиби.
18.10 «Ҳушим, жон қушим».
18.40 «Оттик мерос». «Хуринида». Тележурнал.

19.00 «Минда фикр бор». Тадиқкорлар телевидион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 24.00 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эрталоқлари.
20.30 «Ахборот».

21.00 «XXI аср бусғасида».
21.30 «Санъаткор саодати». Рустам Мовдиев.

22.05 «Амир Темир изидан». 8-кисм.
22.20 Диктат, премьер: В. Шекспир. «Отелло». А. Хидоятчи номидан Узбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-кисм.

00.05 «Ахборот».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

18.00 Курساتувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

18.20 «Еригитош» Мультфильми.
18.35 «Табият дунёси».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этиди...
19.10 «Нафис мажлислари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Табият дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳайр».

21.20 Оқшомлар ва эълонлар.
21.30 «Киноноҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Ўзининг авлоди».
23.35 «Акс».
23.55 «ТВ-плоск».
00.10 — 00.20 Кундалик.

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Тошкент лавҳалари». «Куз» Телефильми.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 «Биз қандай дам оляпмиз?». «Фотон» хиссодорлик жамоаси ёшлари ҳақида.

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Сунгги ташриф» Бадий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Курساتувлар тартиби.
18.50 «Мультикорусель».

19.05, 21.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

19.55 «Сен ҳақида ва сен учун».
20.10 Муслик қиссалари.
20.15 «Соник ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дорихона зиндони...».

21.10 «Узоқ ва яқин Япония».
21.30 «Донлар репортажи».
21.50 «Телефах». (Маоданинг англиклар).

22.00 «Америкага назар».
22.20 «18-Ҳада немик тўқини».
22.50 «Дурдарош» телекомпаниясининг курсатувлари.

23.20 Муслик қиссалари.
23.25 Украина маданияти кунлигида. «Херсон Ҳидойат Динларда».
23.35—23.45 «Хайри тун».

23.55 «Ахборот» (рус тилида).
17.55 Курساتувлар тартиби.
18.10 «Ҳайр ва шуур».
18.40 «Ислоҳат ва масъулият».
19.05 «Канб гаворли». Адабий-марйифий фильм курсатуве.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.20 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Озюма-ю».
20.10 Оқшом эрталоқлари.
20.30 «Ахборот».

21.00 «Муслик қиссалари».
21.30 Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигидан «Наво макоми».
22.15 «Атхили». Публицистик курсатуве.
22.30 «Кифас». Актер Корим Миржазиев.

22.55 «Пардони гал».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олтин маъбуд». Бадий фильм.

01.10 — 01.15 Ватан тимсоллари.
9.00 «Хайрат дунёси».
9.20 «Синдасо».
9.40 «Боран қозил».
9.55 «Муслик салтанати».
10.20 «Кенга — кен дунё».
10.35 «Даллас» Телевизион.

11.25 «Сонини».
11.45 — 13.25 Видео — «Ор».
18.00 Курساتувлар дастури.

18.05 «Даралас» Бадий фильм.
18.15 «Жажи давр» Болалар учун концерт.

18.30 «2000-йилдан сунг». Телевизион.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яқши».
19.10 «Маслахат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».

21.00 «Мутгайба».
21.20 «Одамлар орасида».
21.40 «Келин қўзи». Телешуу.
22.15 Оқшомлар ва эълонлар.
22.25 «Кино жаҳонидан».
24.00 — 00.10 «Доракчи».

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Ҳурин чемпиони». «Ташбаха». Мультфильмлар.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш, қадом-бақадом».

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Лас-велагос оёни» Бадий фильм.

23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

19.50 «Хамшабад».
20.10 «02» тўқинида.
20.25 «Осиё-АТР» курзамосидан репортаж.

21.00 «Каталог».
21.20 «Минг бир маслахат».
21.35 «Ушб курсатувлари».
22.05 «Интерперат».
22.30 «Дурдарош» телекомпаниясининг курсатувлари.

23.00—00.15 «Хайри тун». Бадий фильм.
1-серия.
23.05—00.15 «Хайри тун».

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Куз манзаралари». Манзарали фильм.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 «Шоҳсула сари йул». Спорт дастури.

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.20 «Ҳн гулдан бир гул». Бадий фильм (АКЛ).

24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиклар мактаби». Телевизион.

19.30 «Хукук ва бур».
19.50 «Автосатон».
20.00 «Спорт».
20.10 «Тоширлар ва тақдирлар».
20.35 «Нафосат гулшони».

21.05 «Ўзлик».
21.35 «Каспелар қанонда».
22.10 «Бу ажиб дунё».
22.25 Ўзбекистонда Украина маданияти кунлигининг ойналиши. Халқлар дўстлигини саройидан Ўзб олинган.
23.55—00.05 «Хайри тун».

23.55 «Ахборот» (рус тилида).
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.



шорки.
8.35 «Муслик ёхуд қўшиқ изидан...» Мусийк дастури.

9.15 «Иқтисодий чарраҳала-рияд».
9.35 Болалар учун. «Ох рух».
9.50 «Совет». Мультфильм.

10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Авлод». Публицистик курсатуве.
Ушб курсатувлари.

10.30 Физика.
11.05 Анифбо сабоқлари.
11.30 Талаб ва тасвир.
11.50 «Армони дунё». Езувчи Х. Лутфуллаева.

12.10 «Биринчи қалдирғи». Бадий фильм.
13.25 «Шоҳр беварзоза эмас».
13.45 «Бармоқлар сирхи».
14.05 — 15.05 «Биз танлаган йул». Видеоканал.

17.55 Курساتувлар тартиби.
18.10 Шокирлар — болаларга.
18.35 Қувш жоти. «Афросиё» Телефильми.

18.45 «Ўзган тора» Теленовелла.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.10, 23.25 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Озюма-ю».
20.10 Оқшом эрталоқлари.
20.30 «Ахборот».

21.00 «Муслик қиссалари».
21.30 Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигидан «Наво макоми».
22.15 «Атхили». Публицистик курсатуве.
22.30 «Кифас». Актер Корим Миржазиев.

22.55 «Пардони гал».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олтин маъбуд». Бадий фильм.

01.10 — 01.15 Ватан тимсоллари.
9.00 «Хайрат дунёси».
9.20 «Синдасо».
9.40 «Боран қозил».
9.55 «Муслик салтанати».

10.20 «Кенга — кен дунё».
10.35 «Даллас» Телевизион.
11.25 «Сонини».
11.45 — 13.25 Видео — «Ор».

18.00 Курساتувлар дастури.
18.05 «Даралас» Бадий фильм.
18.15 «Жажи давр» Болалар учун концерт.

18.30 «2000-йилдан сунг». Телевизион.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яқши».
19.10 «Маслахат».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».

20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутгайба».
21.20 «Одамлар орасида».

21.40 «Келин қўзи». Телешуу.
22.15 Оқшомлар ва эълонлар.
22.25 «Кино жаҳонидан».
24.00 — 00.10 «Доракчи».

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Ҳурин чемпиони». «Ташбаха». Мультфильмлар.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш, қадом-бақадом».

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Лас-велагос оёни» Бадий фильм.

23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

19.50 «Хамшабад».
20.10 «02» тўқинида.
20.25 «Осиё-АТР» курзамосидан репортаж.

21.00 «Каталог».
21.20 «Минг бир маслахат».
21.35 «Ушб курсатувлари».

22.05 «Интерперат».
22.30 «Дурдарош» телекомпаниясининг курсатувлари.

23.00—00.15 «Хайри тун». Бадий фильм.
1-серия.
23.05—00.15 «Хайри тун».

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Куз манзаралари». Манзарали фильм.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 «Шоҳсула сари йул». Спорт дастури.

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.20 «Ҳн гулдан бир гул». Бадий фильм (АКЛ).

24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиклар мактаби». Телевизион.

19.30 «Хукук ва бур».
19.50 «Автосатон».
20.00 «Спорт».

20.10 «Тоширлар ва тақдирлар».
20.35 «Нафосат гулшони».

21.05 «Ўзлик».
21.35 «Каспелар қанонда».
22.10 «Бу ажиб дунё».

22.25 Ўзбекистонда Украина маданияти кунлигининг ойналиши. Халқлар дўстлигини саройидан Ўзб олинган.
23.55—00.05 «Хайри тун».

21.00 «Иқтисод анифбоси».
21.30 Ўзбекистон халқ ҳофизлари концерти.
«Мунасорат дунё».
Марйифи-дам олиш дастури.

22.05 «Слом».
22.25 «Иқтисод». Киносомпозитчи.
22.35 УЗТВ экранда биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 14-қисм (Миср Араб Республикаси).

23.25 «Ахборот».
23.50 Футбол. Ўзбекистон кубогининг Ярим финали. «Дустилик» (Тошкент вилояти) — «Пахтакор» (Фарғона). Ўзб олинган.
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

9.00 «Жажи давр». Болалар учун концерт.
9.15 «2000-йилдан сунг». Телевизион.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яқши».
9.55 «Маслахат».

10.10 «Дубляж».
10.30 «Сир».
10.40 «Мутгайба».
11.00 «Одамлар орасида».
11.20 «Келин қўзи». Телешуу.
11.55 — 13.30 «Кино жаҳонидан».

18.00 Курساتувлар дастури.
18.05 «Доракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

18.20 «Бор экан-да, йул экан».
18.35 «Енчаган ёзувлари».
18.55 «Хор лаҳзада қўшиқ».
19.10 «XXI аср авлодлари».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дин доғдори».
20.05 «Атхили».
20.30 «Ахборот».

21.00 «Муслик қиссалари».
21.30 Оқшомлар ва эълонлар.
21.55 «Киноноҳ».
22.05 «ТВ-2. Диксон».

23.15 «Ахборот». Бокс.
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
00.25 — 00.35 «Доракчи».

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Дорбоз Тошкентовлар». Телефильм.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 «Муслик қиссалари».

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Свети формулоси». Бадий фильм.

23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.05 «Кунгли синиклар мактаби». Телевизион.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».

20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутгайба».

21.20 «Одамлар орасида».
21.40 «Келин қўзи». Телешуу.
22.15 Оқшомлар ва эълонлар.
22.25 «Кино жаҳонидан».
24.00 — 00.10 «Доракчи».

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Ҳурин чемпиони». «Ташбаха». Мультфильмлар.

Россия жамаот телевидениеси.
7.30—9.00
18.20—21.35
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш, қадом-бақадом».

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Лас-велагос оёни» Бадий фильм.

23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикорусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

19.50 «Хамшабад».
20.10 «02» тўқини